

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ
РЕСУРСЛАРИ” МОДУЛИНИНГ**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Тошкент – 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016
йил 25 августдаги 355-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур
асосида тайёрланди**

Тузувчи:

ЎзДЖТУ доценти, филол.ф.д.
Г.И .Халлиева

Тақризчи:

ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.д., доц.
Д.Тешабаева

*Ўқув -услубий мажмua ТошДўТАУ Кенгашиининг 2016 йил _____ даги __ -
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	14
IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	43
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	45
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	46
VII. ГЛОССАРИЙ.....	47
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	54

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Ўзбек адабиётшунослиги” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўкув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Республикада компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришга доир муайян вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2002 йил 30 майда имзоланган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги Фармонида белгилаб берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 6 июн 200-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида ўз аксини топган. Ушбу вазифалар кейинги вақтда Республикамизда қабул қилинган бир қатор қонунлар, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз ривожини топди.

Бугунги қунда тараққиёт жуда тез ривожланмоқда ва жуда тез ўзгармоқда. Деярли ҳар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида ўзгаришлар, янгиланишлар ва кутилмаган воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда. Ҳар бир кунимиз кучли ахборот оқими остида кечмоқда. Ҳаётни англаш, уни ўрганиш ахборотларни йиғиш ва ўзлаштириш орқали кечади. Инсоннинг билимлилик даражаси ҳам маълум давр ичида шахс томонидан ўзлаштирилган информаяцияларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланади.

Шунинг учун замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда янги ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш - бугунги қуннинг талабига айланди. Таълим тизимида ўкув муассасалари учун яратилган сайтлардан фойдаланиш, ўқитиш қўлланилмоқда.

Педагог кадрларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ошириш долзарб масалалар қаторига киради. Айнан бундай мухитнинг яратилиши тингловчининг малака ошириши бўйича талабларга мослигини тавсифловчи педагогик ҳамда дидактик тамойилларга нисбатан аниқ мезонларни амалга оширилишига хизмат қиласди. Тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлиги таълим олувчининг юқори мотивацияси, шахснинг қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилганлиги, мулоқотга нисбатан етарлича юқори қобилияти, ўз хатоларини тузатиб бориши, ўзини-ўзи ривожлантириш бўйича интилиши, тингловчининг ташқи таълимий ахборотларга нисбатан ички шахсий

талабларининг мослигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллашишига хизмат қиласди.

Медиасаводхонлик инсонга интернет имкониятларидан фаол фойдаланиш ва тарқатилаётган ахборотни яхшироқ англаш имконини беради, талабаларда ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборотларни топиш, қайта ишлаш ва узатиш кўникмаларини шакллантиради.

“Ўзбек адабиётининг электрон ахборот таълим ресурслари” модулининг мақсади педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилариiga ўзбек адабиёти бўйича электрон ахборот таълим ресурслари ҳақида маълумот бериш, маълумотларни излаш ва саралашни тушунтириш, бу борадаги билимларини такомиллаширишдан иборат.

“Ўзбек адабиётининг электрон ахборот-таълим ресурслари” модулининг вазифалари тингловчиларда:

- интернет ва унинг асосий тушунчалари, ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва унинг қурилмаларини;
- электрон таълим ресурслари ва уларнинг турлари;
- адабиёт дарсларида ахборот-коммуникация ва интерактив технологиялари;
- ўзбек адабиёти акс этган миллий ва хорижий ахборот ресурслари;
- ўзбек адабиёти бўйича электрон дарсликлардан фойдаланиш каби билим ва кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Ўзбек адабиётининг электрон ахборот-таълим ресурслари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- Компьютер техникаси ва унинг асосий ҳамда қўшимча қурилмаларидан, компьютернинг дастурний таъминотидан фойдаланишни билиши керак;

- Таълимни ташкил этиш принциплари, таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари, таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиши воситалари, ўқитиши жараёнида ишлатиладиган техник-дастурний воситаларнинг турлари, таълим жараёнида интернет тизимини қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур;

- Ўзбек адабиёти бўйича машғулотларни ташкил этишда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш, масофавий таълим тизимлари имкониятларидан, интернет тармоғида мавжуд электрон ахборот ресурсларидан фойдалана олиш, очиқ онлайн курсларидан фойдалана олиш бўйича малакаларини эгаллаши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмунни ўқув режадаги “Филологик таълимнинг электрон ахборот ресурслари”, “Инновацион таълим технологиялари”, “Замонавий

таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” ўкув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўкув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўкув модули катта аҳамият касб этади.

“Ўзбек адабиётининг электрон ахборот-таълим ресурслари ” Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўкув юкламаси, соат				Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўкув юкламаси		жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий машгулот		
1.	Адабиёт дарсларида ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш	2		2			
2.	Интернет ва унинг асосий тушунчалари	2		2			
3.	Ўзбек адабиёти бўйича яратилган электрон ўкув қўлланмалари ва дарсликлар	2			2		
4.	Ўзбек адабиёти акс этган миллий ва хорижий ахборот ресурслари	2			2	4	
	Жами: 12 соат	12		4	4	4	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Адабиёт дарсларида ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш (2-соат)

Компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгиси. Интернет имкониятларидан тўла фойдаланиш. Замонавий ахборот технологияларининг воситалари. Ўзбек адабиётини ўқитишда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши. Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш. Портал – бу фойдаланувчига ахборотларни оддий навигация ва кенг кўламли қулай интерфейс орқали етказиш учун турли ахборот ресурсларини бирлаштирувчи телекоммуникация тармоғи тугуни. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири. Ахборот коммуникация технологиялари билан ўқув жараёнини тизимли интеграциялаш. Ахборот-таълим порталларини яратиш ва уни ривожлантиришда тизимли ёндашувнинг зарурлиги.

2-мавзу: Интернет ва унинг асосий тушунчалари (2-соат)

Интернет (Internet) бутун жаҳон компьютер тармоқлари мажмуи. Веб сайт – бирор бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ходисага бағишлиланган маълумотлар жамланган Интернет сахифалар мажмуи. Интернет провайдер, электрон почта, интернет манзил (URL), Proxy, Веб сервер, Веб броузерлар ва веб сахифалар, хабар ва почта қутиси тушунчалари. Миллий электрон почта хизматлари, халқаро почта хизматлари хақида тушунча. Электрон почтадан фойдаланиш ва электрон хабарларни алмашиш маданияти, форум тушунчаси, Uforum.uz - миллий форуми, Skype тизими, Интернет домен тизими, Ўзбекистон миллий Интернет ресурслари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу:

Ўзбек адабиёти бўйича яратилган электрон ўқув қўлланмалари ва дарсликлар (2-соат)

Таълим ва тарбияга бағишлиланган бир неча сайтлар мазмунан ва мантиқан бирлаштирилиб, таълимий портални ташкил қилиши. Ўқув муассасаси учун яратилган сайтларнинг аҳамияти. Интернет технологияларининг имкониятлари кенглиги. Ўқувчи ёшларнинг зарур ахборотларни Интернет тизимидан мустақил равишда топа олишининг

муҳимлиги. Интернет манбалари. Ўқув муассасалари учун яратилган сайтлардаги берилган материаллар: дарслиқ, аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар, электрон кутубхоналар, тестлар, мультимедиа - электрон дарсликлар www.ziyonet.uz, www.pedagog.tdpu.uz, multimediya.uz порталида мавжуд электрон дарсликлар ва улардан фойдаланиш тартиби.

2-мавзуу: Ўзбек адабиёти акс этган миллий ва хорижий ахборот ресурслари

Ўзбек адабиёти бўйича бўйича миллий ва хорижий Веб-саҳифалар. Интернет поэзия - дунё илмида кам ўрганилган феноменлардан бири. Интернет поэзияга бағишлиланган мақолалар. ziyonet.uz, ziyouz.uz, kitob.uz, ijod.uz, sharqyulduzi.uz, sharh.uz, e-adabiyot.uz, tyurk.ru, rifma.com.ru alishernavoiy.ru саҳифаларининг моҳияти, рубрикалари. Интернетда маълумотларни излаш. Қидирув тизимлари, каталоглар. Ихтисослашган ва миллий ахборот-қидирув тизимлари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalar қисмини ўзлаштириш;
- ўзбек адабиёти акс этган интернет саҳифалари билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzalar, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (қўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАХОЛАШ МЕЗОНИ

№	Үқув-топширик турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Үқув-лойиха ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Муаллиф, ҳикоячи ва персонаж нутқини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

S	Эпик турнинг жанрлаирда муаллиф нутқидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Бадиий асарнинг фоясига бевосита боғлиқ бўлган воқеаларнинг ҳикоя қилиниши
W	Кичик эпик тур жанрларда ҳикоячи нутқидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Қисқа эпизодларда иштирок этиши
O	Драматик асарларда персанаж нутқидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Барча персанажларнинг ўз нутқи дилог ва монолог шаклида берилиши
T	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотларнинг тўлақонли таъминланмаганлиги...

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯхларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯхга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯхлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Тил шакллари

Адабий тил		Бадиий тил		Халқ жонли тили	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиг и

Хулоса:

Бадий китобни интернет орқали онлайн тартибда ўқиши					
Талабалар учун		Ўқитувчилар учун		Китобхонлар учун	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиг и
Хуносас:					

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: АДАБИЁТ - МИЛЛАТ ОЙНАСИ

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшистилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

НАМУНА: Адабий тил ва бадиий тил: ўхшаш ва фарқли томонлар



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Адабиёт дарсларида ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш.

Режса:

- . 1.1. Замонавий ахборот технологиялари воситалари
- 1.2. Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши
- 1.3. Таълимий интернет ресурслари ва ахборот-таълим порталлари
- 1.4. Ўқув муассасалари учун яратилган сайтларда мавжуд электрон ахборот ресурслар

Таянч сўзлар: инновация, замонавий ахборот воситалари, ахборот технологиялари, таълимий ресурслар, портал, мультимедиа, дастурӣ таъминот

1.1. Замонавий ахборот технологиялари воситалари

Технологиянинг ривожланиши билан техник воситалардан фойдаланиб ўқитиш учун биргина компьютернинг мавжудлиги кифоя бўлиб қолди. Авваллари телевизор, видео ва аудио технологиилари, видеопроектор, диапроектор ва бошқалар бажарган функцияларни компьютер муваффақият билан ўз зиммасига олди. Қолаверса, ахборотни узатиш, сақлаш, тасвирлаш сифати сезиларли даражада ортди.

Ҳозирги кунга келиб, компьютер заводхонлиги маданиятнинг муҳим белгисига айланиб улгурди, келажакда эса у ҳар бир инсонга қаерда, қайси участкада ишламасин заруратга айланади.

Президентимиз И.Каримов интернет имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳақида: “...ёшлар бугунги ахборот ва маълумотларни асосан интернет орқали оляпти. Модомики шундай экан, энди одамлар ёшлар китоб ўқимай қўйди деб фақат нолиб ўтирасдан, интернет имкониятларидан фойдаланиб етук бадиий асарларни ёшларга етказиши устида ҳам жиiddий бош қотириши зарур. Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириши, бу ноёб меросни ҳақиқатдан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахши манбаига айлантириши, барчамиз, аввало адабиёт аҳлининг вазифаси десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”–деб ёзган эдилар¹.

¹ Каримов И. Адабиётга эътибор маънавиятга эътибор. -Т. 2008. -Б.17

Замонавий ахборот технологияларининг *воситалари* қаторига: компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, факс модем, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интранет тармоқлари, мобиль алоқа тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий интеллект тизимларини киритиш мумкин.



Ахборот технологияси воситалари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

- компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш курилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш планшети, мусиқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурний таъминоти.

Дастурний воситалар ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади.

Тасвирларни яратувчи ва улар билан ишловчи воситалар

- рақамли фотоаппарат




• сканерлар



1-расм. қўл сканери(а), барабанли сканер(б), планшетли сканер(в), рулонли сканер(г), проекцион сканер(д), лазерли сканер(е), 3D сканерлар(ж)

•дигитайзерлар

Тасвирларни кўриш ва улар билан ишлаш учун мўлжалланган дастурий воситаларга Adobe Photoshop, Corel Photo-Paint, Paint Shop Pro, Microsoft Picture It!, Visualizer Photo Studio, Pixel image editor, PixBuilder Photo Editor, Fo2Pix ArtMaster лар киради.



Овоз ёзиши ва овоз таҳрирлаши воситалари

Овозли файлларни компакт дискка ёзиш, мультимедиа тақдимотларини тайёрлаш, видеоконференцияларни ўtkазиш, ўйинлар ўйнаш, аудио CD ларни эшитиш учун овоз платаси ёки аудиоадаптер (audio – бу «овоз», адаптер эса -манбадаги маълумотни компьютерга ўтказувчи техник қурилма) деб номланувчи карта зарур бўлади. Ушбу товушни қайта ишловчи товуш платаси, товуш чиқариш воситаси, акустик тизимлар ёки якка тинглагичлар ҳамда аудио маълумотларни киритиш учун хизмат қиладиган микрофон, овозли компакт-диск проигрывателлари, овоз колонкалари ва б.

Курилмаларга уланади. Товуш платасига, шунингдек, магнитофон, электр мусиқа асборлари каби аудио комплектлар ҳам уланиши мумкин.



2-расм. Аудио адаптер ва унинг бош платага уланиши

Видео ёзиши ва видео таҳрирлаши воситалари

Видео билан тўлақонли ишлаш учун видео маълумотни компьютерга мос шаклга ва аслига қайтарувчи мослама видеокарта зарур. Унга видео камера, видеомагнитофон ва телевизор каби мосламалар уланиши мумкин.

Аксариат ҳолларда видео элементларни мониторда ифодалай олиш етарли бўлади.

Шундай масалани ҳал этиш учун ҳар қандай замонавий компьютерда мавжуд бўлган видеоадаптер ва монитор етарлидир.



3-расм. Видео адаптер ва унинг бош платага уланиши
Маълумот ташувчилар

CD-R(Compact Disc-Recordable – ёзилувчи компакт диск), **CD-RW (Compact DiskRewritable-** 1000 мартагача қайта ёзиш мумкин бўлган диск) - лазерли (компакт) дискга 650 Мбайт (700 Мбайт) ҳажмдаги маълумотни ёзиш мумкин.

DVD (Digital Versatile Disk) дисклар бир ёки икки тарафлама маълумот ёзиш имкониятини берадиган тарзда тайёрланади. Тарафлари сонига қараб DVDлар DVD-5, DVD-9, DVD-10, DVD-14, DVD-18 турларга бўлинади ва мос равишда 5, 9, 10, 14, 18 Гб маълумотни сақлайди.

HD DVD (юқори аниқликдаги рақамли универсал диск) – DVD дискларга нисбатан юқори аниқлик ва ҳажмга эга. HD DVD дисклар DVD дискларга қараганда 5 маротиба кўпроқ ахборотни сақлайди. HD DVD дисклардаги ахборотлар бир қатламли дискда 15Гб, икки қатламли дискда 30Гб ни ташкил қиласди.

Blu-ray Disc, BD (ингл. blue ray – хаворангнурва disc – диск;) – оптик диск ташувчи формати бўлиб, рақамли ахборотларни ҳамда юқори аниқликдаги видеоматериалларни катта зичликда ёзиш имконини беради. Blu-ray Disc даги ахборотларни ўқишида қисқа тўлқинли лазер (405 нм)дан фойдаланилади.

Ушбу дисклардаги ахборот ҳажми бир қатламли дискда 25Гб, икки қатламли дискда 50Гбни ташкил қиласди.



Манипуляторлар

Компьютерни бошқариш учун содда, кулай ва оммабоп бўлган курилмалардан бири бу манипулятор (сичқонча) ҳисобланади.



4-расм. а)сичқонча, б)оёқ манипулятори, в)шарикли манипулятор(трекбол), г)джойстик

“Виртуал борлық” воситалари

Виртуал борлыққа киришнинг энг оддий йўли бу компьютер экрани ҳисобланади ва бу борлықда сичқонча, клавиатура, джойстик ёрдамида ишлаш мумкин.

Булардан ташқари виртуал борлықни яхшироқ ҳис этиш учун бошқа курилмаларни ҳам ишлатиш мумкин. Улар:

Турли ойнали қўзойнак - бу қурилма тасвири ул ўлчамда (ҳажмли) кўришга ёрдам беради.



Бир мунча мураккаброқ ишлайдиган қўзойнак ҳам мавжуд бўлиб, унинг ишлаш принципи қуидагича: экран орқали қўзойнакнинг битта қўзига тасвир юборилади, иккинчиси эса қоронғу бўлиб туради. Сўнгра тасвир кейинги қўзга ўтади, шу тарзда тасвир кетма-кет кўрсатилади ва қўзойнак экранида уч ўлчамли тасвир иллюзияси ҳосил бўлади.



Виртуал борлық шлеми(Head Mounted Display) – ўйлаб топилган виртуал борлықни тўлиқ ҳис этиш учун мўлжалланган қурилма. Тасвир ҳажмини кўрсатиш учун шлем ичида иккита унча катта бўлмаган экран жойлашган бўлиб, тасвир ҳам иккига бўлинади ва иккала қўз учун алоҳида тасвир яратилади. Ушбу шлем 360 градус соҳадаги барча тасвирларни визуал кўриш имконини беради, ҳаттоқи бош бурилган вақтда мос равишда тасвир жойлашуви ҳам ўзгаради².



5-расм. Виртуал борлық шлеми

² Cecília Sík Lányi. VIRTUAL REALITY AND ENVIRONMENTS. First published April, 2012. Printed in Croatia. Published by InTech.ISBN 978-953-51-0579-4, p.27

Ахборотли қўлқоп – виртуаллик ошириш мақсадида ишлатилувчи қўлқоп бўлиб, у ёрдамида виртуал борлиқдаги предметларни ушлаш, суриш ва ҳаракатга келтириш мумкин³.



VR-костюм - виртуал борлиқнинг энг тўлиқ тўпламли қурилмаси ҳисобланади. Тананинг барча нукталаридағи ҳаракатни кузатиб борувчи кўпгина магнитли сенсорлардан иборат комбинзон.



Мультимедиа тизимишинг дастурий муҳитини ҳам иккига бўлиш мумкин: амалий ва ихтисослаштирилган. *Амалий дастурлар* фойдаланилаётган ёки лойиҳалаштирилган амалий дастурлар.

Ихтисослаштирилган дастурларга мультимедиа иловаларини яратувчи дастурий воситалар киради. Бу тоифадаги дастурларга график муҳаррир, видеотасвир муҳаррири, товушли ахборотни хосил қилиш ва муҳаррирлаш воситалари киради.

Мультимедиа ⁴	Мультимедиа дастурий воситалари
Text	Text Microsoft Word, Corel WordPerfect, Tex, Latex
Graphics (i.e., vectors)	Corel Draw, Adobe Illustrator, Macromedia Fireworks, Adobe ImageReady, Macromedia Flash
Image (i.e., bitmap)	Adobe Photoshop, Jasc Paint Shop Pro, Macromedia Fireworks
Audio	Sony Sound Edit Pro, Sony Sound Forge for Windows, Sony Acid, Cakewalk products
Synthetic Video (animation)	AutoDesk AutoCAD, Discreet 3D Studio (MAX), Virtus 3D Website Builder, Macromedia Flash, Electric Image Amorphium Pro, Alias Maya
Captured Video	Adobe Premiere, Avid, Media 100 products, Ulead Media Studio Pro, Microsoft MovieMaker, Apple iMovie
Authoring Systems for All Media	Macromedia Director, Macromedia Dreamweaver, Click2learn Toolbook, Microsoft Front Page, Adobe Page Mill, Microsoft PowerPoint with Producer

³ Cecília Sík Lányi. VIRTUAL REALITY AND ENVIRONMENTS. First published April, 2012. Printed in Croatia. Published by InTech.ISBN 978-953-51-0579-4, p.31

⁴ Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education. UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.p.3

Компьютер графикаси – бу хисоблаш тизимларининг дастурий ва аппарат воситалари ёрдамида тасвиirlарни ҳосил қилиш ва қайта ишлаш воситаларини ҳамда услубларини ўрганувчи, информатиканинг соҳасидир.

Компьютер графикаси тасвиirlарни монитор экранида ёки нусха сифатида ташқи ташувчилар(магнит ташувчилар, қофоз, киноплёнка)да намойиш этишнинг турли кўринишларини ва шаклларини қамраб олади. Компьютер графикаси компьютерлар, телевизорлар ва кинотехнологиялар асосида юзага келади.

Компьютер графикаси 3 хил бўлади: растрли (нуқтали), векторли фрактал.

Ахборот технологиялари воситаларининг марказида турувчиси компьютердир. Ҳозирги кунда **компьютерлар** таълим тизимида асосан тўрт йўналишда:

- ўрганиш обьекти сифатида;
- ўқитишининг техник воситалари сифатида;
- таълимни бошқаришда;
- илмий-педагогик изланишларда фойдаланилмоқда.

Ўқув-тарбия жараёнида компьютерлар асосан тўрт тартибда:

- *пассив қўллаши* – компьютер оддий ҳисоблагич каби;
- *реактив мулоқот* – компьютер имтиҳон олувчи сифатида;
- *фаол мулоқот* – компьютер талабага йўл – йўриқ бериш ва имтиҳон олишда;
- *интерфаол мулоқот* – компьютер сунъий интеллект сифатида, яъни талаба билан мулоқот қилишда фойдаланилади.

2.1. Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши.

Электрон ахборот-таълим ресурси (ЭАТР) – ўрганиш ва таълим бериш учун қулай тарзда шакллантирилган, илмий жиҳатдан тизимлаштирилган, турли ёшдаги ва таълим олиш даражасидаги таълим олувчиларга мўлжалланган, маълум бир фанни ўрганиш учун мантикий кетма-кетликда шакллантирилган электрон ахборот манбалари мажмуасидир.

Таклиф этилаётган электрон ахборот таълим ресурслари таълим олувчиларга ўрганилаётган обьект устида ижодий изланиш олиб боришга, уни ўзлаштириш жараёнида юзага келувчи ўзаро боғлиқликларни тизимли ўрганишга ёрдам беради. Мазкур муҳит таълим берувчи ва таълим олувчиларга индивидуал тарзда зарур ҳолатларда ва жамоа бўлиб ишлаш имкониятини яратади.

Электрон ахборот таълим ресурсининг асосий ташкил этувчилари куйидагилар:

- 1). Фан бўйича маъруза матни ёки назарий материаллар тўплами. Жорий этилган ёки амалдаги дарсликнинг электрон нусхаси.

2). Машқ ва масалалар түплами. Таълим беришда қўйилган бирламчи талабларни бажариш учун машқ ва масалалар түплами. Масалалар түплами электрон вариантида фақат сидирға матн кўринишида эмас, балки уни ечиш учун тузилган махсус амалий дастурлар кўринишида бўлиши зарур. Асосий мезон сифатида назарий жиҳатдан ёритилган ўқув материаллар билан бевосита боғлиқ масала ечими ёки таҳлили қаралади.

3). Дидактик материаллар, фан бўйича таклиф этилаётган ресурс мазмунини намойиш этувчи плакатлар, кўргазма куроллари ва фанни ўрганиш учун яратилган чизиқли анимацион роликлар.

4). Дарс мавзусини тўлдирувчи қўшимча материаллар. Мазкур блок (меню)да дарслик мазмунини тўлдирувчи интерактив анимацион дастурлар, расмлар композицияси, матн кўринишдаги қўшимча материаллар жойлаштирилади.

5). Медиа файллар. Аудио, видео материаллар. Мазкур блок дарс мавзусини ёритувчи .mp3 форматидаги аудиоролик, .swf ёки .avi форматидаги видеороликлар.

6). Сўровнома. Мазкур блокда фанни ўрганиш учун терминологик луғат жойлаштирилади.

Шу билан бирга фанни тўлдирувчи, ўрганиладиган курс доирасидаги қўшимча маълумотларни акс эттирувчи энциклопедик материаллар жойлаштирилади.

7). Фотогалерея, дарс мавзусини тўлдирувчи фото ёки фотокомпозициялар.

8). Тест. Дарсликда берилган мавзулар кесимида тест WEB форматда яратилади. Мавзуни ўрганиш тугаши билан билимларни синаб кўриш имконияти мавжуд.

Ресурс базасида реализация қилинган барча блоклардаги ахборотларни таҳрирлаш, яъни алмаштириш ёки устида қайта ишлаш имкониятини берувчи “редактор-муҳарррир” дастур ишлатилади.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

- талабага касбий билимларни эгаллашига;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чукур ўзлаштирилишига;
- ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиши жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;

- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;

- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига; ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишини ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади

Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши: фан соҳаларини ахборотлаштиришни; ўқув фаолиятни интеллектуаллаштиришни; интеграция жараёнларини чукурлаштиришни;

- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш:

- масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилар, тегишли мутахассисларнинг бирлашувини;

- педагоглар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини;

- таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини мониторинг этишни тақозо этади.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири ахборот коммуникация технологиялари билан ўқув жараёнини тизимли интеграциялаш ҳисобланади. Бунда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан янгилаш, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитувчининг педагогик фаолияти ва талабанинг таълим олиш жараёнини ташкил этиш стратегик масала сифатида намоён бўлади.

Замонавий ахборот технологиялари талабалар учун маълумотларни етказиш, сақлаш, қидириш каби жараёнларда катта имкониятга эга. Ҳозирда таълим муассасаларида электрон шаклда кўплаб ахборот-таълим ресурслари яратилган.

1.3. Таълимий интернет ресурслари ва ахборот-таълим порталлари

Таълим-тарбия жараёнларини ахборотлаштиришни ривожлантириш йўналиши турли таълим ахборот ресурсларининг бирлаштирилиши орқали ахборот-таълим муҳитларини яратиш билан бевосита боғлиқ. Бундай муҳитни ташкил этишда, аввалом бор, таълим муассасаларида ахборотлаштиришни ташкил этиш, яъни барча ўқув, маъмурий ва хўжалик хизматларни, кутубхона ва бошқарув (ректорат, деканат, ўқув бўлими ва бошқ.) бўлимларини ягона тармоқка бирлаштириш, уларни ИНТЕРНЕТ тизимига чиқиш имкониятларини яратиш, таълим муассасида ўқув жараёнини назорат қилиш, хужжатлар электрон алманишувини ташкил этиш, ахборот технологиялари негизида маҳсус ўқув-методик мажмуаларни яратиш орқали талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади. Ҳозирда бундай вазифаларни

бажаришда портал технологияларини яратиш орқали ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиши ташкил этиш мумкин. Таълим муассасининг ягона ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида ўкув жараёнида ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ахборотларни тизимлаштириш ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиши енгиллаштиради. Ахборот-таълим порталларининг яратилиши ахборотларни мантиқий тартиблаш ва тизимлаштиришга ёрдам беради.

Портал – бу фойдаланувчига ахборотларни оддий навигация ва кенг кўламли қулай интерфейс орқали етказиш учун турли ахборот ресурсларини бирлаштирувчи телекоммуникация тармоғи тугуни бўлиб, у:

- кўп сонли фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиши;
- ахборотлар кўламининг кенглиги;
- асосий тармоқ форматларини қўллаши;
- осон ва самарали қидириш тизимининг жорий этилиши;
- ахборот ресурслари интеграцияси;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаши;
- ахборотларни табақалаштириши;

билимларни бошқариш-таҳлил этиши билан тавсифланади

Ахборот-таълим порталларини яратиш ва уни ривожлантиришда тизимли ёндашув зарур ҳисобланади. Чунки портал технологиялари асосида таълим муҳитини яратишида таҳлилий тайёргарликнинг яхши даражада бўлиши, мазмуннинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотларнинг тизимлаштирилишини таъминлаш муҳим саналади.

Порталларнинг кўрсаткичи унда мужассамлашган ахборотларнинг кўлами, яъни ахборот ресурслари ҳажми билан аниқланади.

Хар қандай порталнинг мақсади – фойдаланувчига унга зарур ахборотларни қисқа вақтда ва турли интерфейслар орасидаги ўтишларни ортиқча ҳаттиҳаракатларсиз тақдим этишдан иборат бўлади.

Порталнинг фойдаланувчи интерфейси унда жойлаштирилган ресурсларнинг таркибини кўргазмали намойиш этиши, бир бўлимдан бошқа сахифаларга мантиқий ва тезкор ўтишни таъминлаши лозим.

Тақдим этилаётган ахборот-таълим ресурслари мустақил таълим учун топширикларни, ўзлаштирилган билимларни текшириш учун тест синовларини, ижодий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган топшириқларни, билимларни мустаҳкамлашга қаратилган машқларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Портал учун мультимедиа материалларини танлашда уларнинг ахборотмазмунни, тузилма таркиби, узвийлиги ва ахборотларни тақдим этиш шаклларига эътибор қаратиш керак. Мультимедиа материаллари ахборотларни осон ўзлаштириш учун хизмат қилиши: уларнинг мазмунини очиб бериши, яъни ахборотларнинг мустақил манбаи сифатида фойдаланиш имконини бериши лозим.

Технологик жиҳатдан ахборот-таълим порталларига қуидаги талаблар қўйилади:

- иловаларни бажариш;
- ҳамкорликдаги фаолиятни таъминлаш;
- ўзида мавжуд ресурсларни бошқариш;
- фойдаланувчиларни бошқариш;
- назорат олиб бориш;
- билимларни бошқариш;
- коммуникацияни таъминлаш;
- қидиувни таъминлаш;
- барча ресурсларни рухсат этилмаган киришлардан ҳимоялаши, яъни
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- тизимга рухсат бериш, яъни қайддан ўтишни ташкил этиши зарур.

Билим соҳалари ёки фанлар бўйича ахборот-таълим портали фақат таълим муассасалари билан чегараланиб қолмайди. Анъанавий ва электрон шаклдаги ўкув материаллари ягона таълим мухитининг таркибий қисми сифатида бир-бирларини тўлдириши мухимdir. Янги ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланиш айрим педагогик муаммоларни ечишдаги қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қиласди.

Ахборот-таълим порталларини фан-таълим-ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминловчи, унинг ривожланишини, илмий-педагогик салоҳиятдан самарали фойдаланишни ташкил этиш шароитини яратувчи сифатида қараш мумкин. У таълим муассасаларнинг битиувчиларига эҳтиёжлари бўлган буюртмачилар учун ҳам фойдалидир. Портал битиувчилар бўйича ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласди. Қолаверса, таълим хизматларини тақдим этувчилар ва унинг истеъмолчилари билан янги шаклдаги ўзаро алоқани йўлга қўяди.

Бундай портални яратиш, уни ривожлантириш учун, аввало, таълим муассасаларини компьютерлаштиришни такомиллаштириш, телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, ахборотларни тизимлаштириш ва уларни порталда жойлаштириш талаб этилади. Шу билан бир қаторда, педагогик кадрларни янги ахборот технологияларидан таълим тизимида фойдаланиш бўйича малакаларини шакллантириш, уларни мунтазам тарзда ошириб боришини ривожлантириш мухимdir. Ягона ахборот-таълим мухитини ривожлантиришнинг мухим шарти порталнинг ўкув-методик таъминотини ривожлантириш, электрон ўкув нашрларни яратишни такомиллаштириш саналади.

Ахборотлаштириш жараёнини самарали ривожланишини таъминлаш учун ахборот инфратузилмасини мукаммал шакллантиришга эътибор қаратмоқ зарур бўлади.

1.4. Ўкув муассасалари учун яратилган сайтларда мавжуд электрон ахборот ресурслар

Ўкув муассасалари учун яратилган сайтлардаги электрон ахборот материаллари асосан қуйидагилардан иборат бўлади:

- Дарслик

- Аудио ва видео дарсликлар
- Онлайн дарслар
- Электрон кутубхоналар
- Тестлар
- Мультимедиа - электрон дарсликлар

Электрон дарслик бу-маълум кетма-кетликда тизимлаштирилган ва ноқоғоз ахборот ташувчи (CD, DVD ва ҳ.к.) ёки интернет технологияларга асосланган ўкув курсидир.

Электрон дарсликларнинг қайси фан ёки соҳага йўналтирилганлигидан қатъий назар, асосий йўналиш бошланғич маълумотларни, оралиқ натижаларни визуаллаштиришга қаратилган бўлиб, бу йўналиш жорий ва якуний натижаларни кўриш имкониятини бериш билан бирга уни таҳлил этишга шароит яратади.

Мазкур йўналишда тадқиқот олиб бораётган Республикализ олимларидан Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича электрон дарсликлар куйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- 1) ўкув дастури ва ўкув-методик ишларини нашр этилишида қўйилувчи талабларга жавоб бера олиши (илмий-методик кенгаш томонидан тасдиқланади). Дарслик муайян соҳа йўналиши бўйича биринчи бор тақдим этилаётган ёки аввал нашр этилган методик қўлланманинг электрон версияси сифатида тайёрланганлиги ва мазмунан умумий, маҳсус ёки факултатив курсга тааллуқлиги;
- 2) маълум ўкув курси (ёки унинг бир қисми)нинг мазмунини очиб бериш ҳамда ўкув-методик мақсадларга эришишга имкон бера оладиган даражада ҳажмга эгалиги;
- 3) ўкув-методик мақсадларга эришишга ёрдам берувчи кўргазмали элементлар (максимал даражада компьютернинг мултимедиа имкониятларидан фойдаланиш иконияти)га эгалиги;
- 4) материалнинг монитор экранидан кўриш ва тармоқ бўйлаб жойлаштириш хусусиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги;
- 5) матнда гиперкўрсатмаларининг мавжудлиги билан бирга, зарур ҳолларда WEB манбаларига ва бошқа ахборот ресурсларининг кўрсатилганлиги;
- 6) материални ўзлаштириш даражасининг таълим оловчи томонидан мустақил баҳоланишига имкон берувчи назорат саволларининг мавжудлиги;
- 7) кўплаб тилларда ишлаш, шунингдек, имконияти чекланган талabalар учун маҳсус шароитларнинг яратилганлиги.

Электрон дарсликлар тугалланган мултимедия материали ҳисобланиб, одатда муаллифлик муҳити ёрдамида маълум бир дастурлаш тилида HTML – гиперматн бичимида яратилади.

Электрон дарсликларга қўйиладиган вазифалар:

Электрон дарсликлар ўқув қўлланмалар, асосан таълим олувчига бериладиган билим даражасини ошириш, яъни фанни ўзлаштириш даражасини ошириш.

Миллий ахборот ресурсларини шакллантириш.

Ўқув тарбия жараёнида таълим олувчининг бошланғич ва якуний босқичдаги билим даражасини назорат қилиш;

Ўқув тарбия жараёнини ҳаёт ва ишлаб чиқариш билан боғлаш имкониятини бериш;

Таълим беришнинг анъанавий усулларидан инновацион технологияларга асосланган усулларга ўтиш;

Электрон дарслик турлари:

1. Мустақил таълим олиш учун мўлжалланган ва услубий материаллардан ташқари қўшимча тарзда сўровномалар, глоссариялар, ўқув материалининг илмий таснифи, уларни алгоритмик ўзлаштириш бўйича машқлар ва малака рўйхатини қамраб олган дарслик (гиперматн);

2. Ўқув материалига ҳаракат бағишловчи видеомаърузалар (бунда ахборотни қабул қилишнинг эшитиш ва қўриш каналларидан фойдаланилади), шунингдек, тингловчига ҳиссий таъсир кўрсатиш орқали ўқув материалини ўзлаштиришни кучайтирувчи ёзиб олинган аудио маърузалар;

3. Ўрганилаётган фанларнинг таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилишига қараб алмаштирилиб, кодоскоп ва проектор ёки мултимедия проектор имкониятларидан фойдаланган ҳолда семинар шаклида ташкил этиладиган дарс (фаол семинар)ларга олиб чиқиладиган ўқув материаллари (таълим жараёнида фаол иштирок этиш);

Электрон дарсликларга қўйиладиган талаблар:

Электрон дарслик қўйидаги талабларга, яъни таълим олувчи ва таълим берувчиларнинг мулоқот доирасини кенгайтириш, таълим олувчининг маълум бир мавзу устида ишлаган вақти, уни ўзлаштириш учун сарфлаган вақти, ўзлаштириш даражасини назорат қилиш, ўқув курсини бошлашдаги ўқувчининг билим даражасию-курс тугагандаги билим даражасини назорат

қилиш имкониятини бериши зарур. Буларнинг барчаси электрон китобга қўйиладиган бирламчи талаблардир.

Бундан ташқари электрон китобларга қуйидаги талаблар ҳам қўйилади: педагогик талаблар, ўкув-услубий талаблар, функционал талаблар.

Электрон дарсликларга қўйиладиган педагогик талабларга:

-ўрганиладиган курс материалининг осонроқ ўзлаштирилиши учун қоғоз нусхадан фарқли ўлароқ, овоз файллари, анимация, ҳиссий таъсир ва бошқалар;

-таълим олувчининг билим даражасига мослашувчан, унинг тайёргарлик даражасига боғлиқ ҳолда ишлайдиган, унинг ҳиссий ва жисмоний имкониятларини ҳам ҳисобга олиши;

-имконият доирасида дарс мазмунига боғлиқ асосий мазмунни аниматсия ёки бошқа шу каби аудиовизуал воситалар ёрдамида визуллаштириш (кўриш ретспторини ишга тушириш);

-катта ҳамжмдаги ҳисоб-китоблардан озод қилиш, ўрганиладиган фан мазмунига кўпроқ эътибор бериш, масала ва мисоллар ечиш учун шароит яратиш;

-ўрганиладиган фан бўйича исталган босқичда ўз-ўзини мавзулар кесимида назорат қилишга имконият яратиш;

-ўрганиладиган фан бўйича тайёрланадиган ёзма ишларни исталган ахборот ташувчига ўтказиш ва диск ёки ахборот ташувчи ёрдамида тақдим этиш имкониятини яратиш;

-фанни ўрганишда имконият доирасида қалит сўзлар, қўшимча адабиётлар, гиперкўрсатмалар ва ёрдам функцияларидан фойдаланиш киради.

Электрон дарсликларга қўйиладиган ўкув-услубий талабларга эса: кўп миқдордаги масалаларни ечиш ёки бирламчи маълумотларни ўзгартириш орқали таҳлил қилиш, график интерпретатсиялардан фойдаланиш;

-таълим берувчига дарсни мустақил дарс қўринишда ўтказишга шароит яратиш, бу ҳолатда таълим берувчи маслаҳатчи ролида иштирок этиш;

-ўқитувчига таълим олувчилар ўзлаштирган билим даражасини турли хил мураккабликдаги (мураккаблик даражаси шакллантириладиган) тестлар ёрдамида назорат қилиш имкониятини бериш;

-дарсларга тайёргарликни ўқитувчига қулай усулда амалга оширишга имконият яратиш (слайд, матн, презентация, видеоматериал ва ҳ.к.) киради.

Электрон дарсликларга қўйиладиган функционал талабларга эса:

-мазмун-қоғоз вариандаги китобга ўхшаш тарзда, калит сўзларни қидириш имконияти мавжуд, фанни тўлдирадиган қўшимча маълумотлар билан бойитилган;

-мослашувчанлик-таълим олувчининг ўзлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда, ўтилган мавзуни қайтариш, мавзу устида ишлашларни индивидуал темпда амалга ошириш;

-кўптерминалли-статик маълумотларни таҳлил қилиш имконияти мавжуд, синфдаги ўқувчиларнинг дарсликдан фойдаланиш частотаси, тест натижалари, тўғри-нотўғри жавоблар, ўқувчиларнинг қайси саволларда кўпроқ адашганларини таҳлил қилиш имкониятлари;

-интерактивлик-табиий мулоқотни имитатсиялаш, яъни дарслик матни билан ўқувчи ўртасида мулоқот ўрнатиб, ўқитувчи мавжудлиги ҳиссини бериш (сўровнома, вербал, новербал овоз ва ҳ.к. ёрдамида);

Электрон дарсликнинг асосий ташкил этувчилари ва унинг мазмунини қуидагича талқин этиш мумкин, яъни таълим жараёнида энг кўп қўлланилаётган электрон дарсликлар қуидаги ташкилий компонентларни ўзида жо этиши зарур:

Назорат ва таҳлил-электрон дарслик ўқувчилар томонидан бериладиган саволларни таҳлил қилишга ёрдам беради, ўқувчилар томонидан курсни ўзлаштириш даражасини назорат қилишга имконият яратади;

-қайтар алоқани таъминлаш ва индивидуаллик – таълим олиш жараёнида курсни тўлдирувчи ва маслаҳат берувчи дастурлар ёрдамида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатишга имконият беришлар киради.

Электрон дарслик ёки электрон ўқув қўлланмаси ўзига хос кўринишдаги «ташқи кўринишга-интерфейсга» эга бўлади. Ўз навбатида интерфейсга қўйиладиган асосий талаб унинг интуитивлиги ҳисобланади. Интерфейснинг бошқарув элементлари фойдаланувчи учун қулай бўлиши, уни матн ёки зарур мазмун билан ишлашдан чалғитмаслиги, китобни саҳифалаш учун қўлланиладиган бошқарув элементлари эса унинг ҳар бир саҳифасида бўлиши зарур.

Ҳақиқатда электрон китобларнинг тури кўп бўлишига қарамасдан унинг асосини гиперматнлар ташкил этади. Ҳозирда энг кўп қўлланиладиган электрон китоблар гиперматн кўринишидаги ресурслар ҳисобланади.

Амалиётда қўлланилаётган электрон китобларнинг аксарияти WEB ресурслариdir. WEB шаклидаги электрон китоблардан локал, глобал тармоқларда ва компакт диск кўринишидаги ташувчиларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Юқорида қараб чиқилган электрон китоблар учун қўйиладиган барча талаблар мазкур дарсликлар мисолида таълим жараёнига татбиқ этилди ва таълим жараёни учун электрон китоблар тармоқ версияларини яратиш борасида ва улардан фойдаланадиганлар учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

Электрон ахборот-таълим ресурслариға қўйиладиган талаблар

Таълим муассасалри учун ишлаб чиқиладиган электрон ахборот-таълим ресурслариға қўйилган умумий талаблар

Қўлланилган тушунчалар

Электрон (рақамли) ахборот-таълим ресурс (ЭАТР) – ўрганиш ва таълим бериш учун қулай тарзда келтирилган, илмий ва амалий характерга эга тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган, турли ёшдаги ва таълим олиш даражасидаги ўқувчиларга мўлжалланган электрон ресурс.

Мультимидали электрон (ракамли) ахборот-таълим ресурси – ўқув дарслик материалини тўлдирувчи электрон ахборот-таълим ресурсидир ва унинг ўқув материали маълумот беришнинг турли воситалари – матн, графика, товуш, видеоловхаларни ўз ичига олади. Мультимида электрон ахборот-таълим ресурсига маълум ўқув фани мавзуси (масалан, кириш, физика, кимёдан лаборатория иши намойиши, ўсимликларнинг ўсиш жараёни ва ҳ.к.)га доир видеоловхалар мисол бўлиши мумкин

Республикамиз Олий ва Ўрта Махсус билим юртларида ўқув муассасалари учун яратилган сайтлар каталогглаштириш, республика таълим муассасаларида тайёрланаётган электрон ўқув адабиётларини барча таълим муассасалари орасида тарғиб қилиш муҳим ва мураккаб вазифа ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарияти томонидан ушбу масалани ижобий ечимини топиш ҳамда таълим муассасалари учун яратилган электрон ўқув ресурслари ва таълим муассасалари сайтларини таълим жараёнига татбиқ этишга жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ташкил қилинган www.ziyonet.uz ахборот-таълим портали ишга туширилди ва бу порталда барча таълим муассасалари учун таълим ресурслари жойлаштирилганлиги аҳамиятга моликdir.

ZIYONET АХБОРОТ-ТАЪЛИМ ПОРТАЛИ

ZiyoNet жамоат ахборот таълим тармоғи 2005 йил 28 сентябрда Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида” ги 2005 йил 28 сентябрдаги 191 сонли қарорига мувоғиқ ташкил топган.

The screenshot shows the Ziyonet portal interface. At the top, there's a navigation bar with links like 'Abuneyalar', 'Axborotlar', 'Oʻqituvchilar', 'Iqtisadi yestalar', 'Kutubxonalar', 'Oʻyinlar', 'Oʻzbekiston-madaniy manzil', 'Savol-javoblar', 'Sayf-lashitilar', 'Sayfalar', 'Tatbiq muassasalar', 'Xalqiy bilan', and 'e-Darslar'. Below the navigation is a search bar and a user profile icon. The main content area has sections for 'Yangiliklar' (News), 'Oxirgi qo'shilgan ob'yektlar' (Recent additions), and 'Savol-javoblar' (Questions and answers). There are also sidebar links for 'Vidjetlar', 'Profil', 'Do'starlar', 'Resurslar', 'Media-faylar', and 'Reyting'.

ZiyoNet тармоғининг асосий мақсади таълим тизимида республика ёшлари ҳамда таълим олувчиларни билим олиш жараёнида ахборот-коммуникация ҳизматларини кўрсатишдан иборат.

ZiyoNet ахборот таълим тармоғи ёшларни, мураббийларни, шунингдек аҳолининг турли қатламини керакли ахборот билан таъминлаш, АТ соҳасида керакли маълумотларни бериш, мулоқот қилиш ва тажриба алмашинишлари учун зарур имкониятларни яратиб беришни ўз зиммасига олади.

The main page of the Ziyonet portal features a large logo with a book icon and the text 'ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ ПОРТАЛ ZiyoNET'. Below the logo are several service boxes: 'Формируйте социальные группы', 'Информация для абитуриентов', 'Акция «Семь чудес Узбекистана»', 'Играйте в познавательные игры', 'Знакомьтесь с талантливой молодёжью', 'Изучайте биографии великих соотечественников', 'Создавайте сайты и делитесь информацией', 'Посещайте интересные ресурсы', 'Читайте книги и научную литературу', 'Изучайте иностранные языки', 'Найдите ответы на ваши вопросы', and 'Получайте информацию об образовательных учреждениях'.

ziyonet.uz субдоменларида 12 та очик ресурслар жойлашган бўлиб, улар қуидагилар:


1. people.ziyonet.uz – машҳур ватандошларимиз ҳақидаги маълумотлар;
2. sites.ziyonet.uz – фойдали сайтлар базаси;
3. library.ziyonet.uz – электрон кутубхона;
4. foreign.ziyonet.uz – хорижий тилларни ўрганиш;
5. ask.ziyonet.uz – савол-жавоблар хизмати;
6. institutions.ziyonet.uz – таълим муассасалари каталоги;
7. groups.ziyonet.uz – ижтимоий групҳулар тизими;
8. blogs.ziyonet.uz – веб-сайт яратиш хизмати;

9. abitrient.ziyonet.uz – Республика олий таълим муассасаларидаги барча мутахассисликлар бўйича маълумотлар ва тестлар;
- 10.meros.ziyonet.uz – Ўзбекистон маданий мероси;
- 11.games.ziyonet.uz – таълимий ўйинлар жамланмаси;
- 12.talents.ziyonet.uz – иқтидорли ёшлар блоки;

Тармоқда ижтимоийликнинг қўйидаги элементлари жорий этилган:

- Фойдаланувчи профили
- Дўстлар бўлимига фойдаланувчи қўшиш
- Хабар алмашиш
- Фойдаланувчилар рейтинги
- Фикр ва мулоҳазалар билдириш
- Қизиқишилар бўйича фойдаланучиларни гурухларга бирлаштириш

ZiyoNET нинг бошқа лойиҳалари



Фойдаланувчилар

ID.UZ тизимидан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга ZiyoNet портали Ўз имкониятларини намоён қилишлари учун барча шароитларни яратиб беради. Жумладан:

1. ZiyoNet порталининг кутубхонасига ахборот-таълимий маълумотларни жойлаштириш;
2. Учинчи даражали «zn.uz» доменида сайт-сателитларни яратиш;
3. ZiyoNet порталининг ёпиқ бўлиmlарига кириш ва у ердан маълумот олиш;
4. ZiyoNet ахборот ресурс тармоғининг турли танловларида қатнашиш.

Республика педагогика таълим муассасалари портали

Таълим тизимининг асосини юқори сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб саналса-да, аммо бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълимда ахборот технологияларини туб маънода жорий этишга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси педагогика таълим муассасаларининг ягона ахборот макони таълим жараёни қатнашчиларини самарали ўзаро алоқасини таъминловчи, турли ахборот ресурсларига кириш имкониятини берувчи, ахборот ва замонавий таълим технологияларини ривожлантиришувчи сифатида ахборот-таълим шароитларининг очиқ тизимини яратади.

Анъанавий ва электрон шаклдаги ўкув материаллари ягона таълим муҳитининг таркибий қисми сифатида бир-бирларини тўлдиришлари муҳим саналади. Янги ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланиш айrim педагогик муаммоларни ечишдаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қиласди.

Шу мақсадда Темпус лойиҳаси доирасида www.pedagog.tdpu.uz портали ишлаб чиқилган бўлиб, уни таълим муҳитининг бирлигини, педагогик таълим сифатини, унинг ривожланишини, илмий-педагогик салоҳиятдан самарали фойдаланишни ташкил этиш шароитини яратувчи сифатида қараш мумкин.

www.pedagog.tdpu.uz портали бош саҳифаси

Ягона ахборот порталнинг яратилиши қуйидаги ижобий натижаларга олиб келиши мақсад қилинган:

- Республика педагогика таълим муассасаларининг ягона ахборот муҳити яратилади;
- ягона кутубхона муҳитини шакллантиради (электрон кутубхонани яратилиши, электрон дарсликлар ва ноанъанавий ахборот ташувчилар фондининг шаклланиши, ягона маълумотлар базасини яратилиши в.х.);
- педагогик таълим соҳасида ягона телекоммуникация тармоғи муҳити шакллантирилади;
- янги ахборот-таълим муҳитини шакллантиради, таълимда ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ижтимоий-психологик асосларини яратади;
- янги ахборот маданиятига эга педагогик кадрларини шакллантириш орқали педагогик таълим сифатини оширади;

- янги таълим технологияларининг илмий ва методик таъминоти тизимини яратади;
- таълим ахборотларига, ахборот ресурсларига оммавий ташрифни таъминлаши, хужжатларни узатиш, ҳисобга олиш механизмини тизимлаштириши, республикада педагогик таълимнинг ҳолати бўйича ахборотларни жамоатчилик учун очиқлигини амалга оширилади;
- масофавий таълим тизими ривожлантирилади.

Назорат саволлари

1. Замонавий ахборот воситаларига нималар киради?
2. Компьютернинг вазифаларини ва моҳиятини тушунтиринг?
3. Таълимий ахборот ресурсларидан қайсиларини биласиз?
4. Ахборот портали деганда нимани тушунасиз?
5. ZiyoNET портали ҳақида ахборот беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Бегимқулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш. // “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004. –25-25 бетлар.
3. Бегимқулов У.Ш. Малака ошириш тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. //” Халк таълими” жур. № 6, 2004. - 132-137 бетлар.
4. Р.Ю.Ахатова, Т.А.Худайбергенов «Технология создания электронных учебников». Методические указания для выполнения практических работ. – Алокачи, 2015
5. Н.Қосимова Медиасаводхонлик ва медиатаълим: Моҳият <http://trif.uz>

2-мавзу: ИНТЕРНЕТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ.

Режса:

- 2.1. Интернет олами ҳақида тушунча.**
- 2.2. Электрон почтадан фойдаланиш ва электрон хабарлар алмашиш маданияти.**
- 2.3. Интернет домен тизими.**
- 2.4. Ўзбек адабиёти акс этган миллий ва хорижий ахборот ресурслари.**
- 2.5. Интернетда маълумотларни излаш тартиби.**

Таянч сўзлар: интернет, электрон почта, домен, қидиув тизими, сайtlар, веб-сервер, броузер, ўзбек адабиёти

2.1. Интернет олами ҳақида тушунча

Интернет (Internet) - бу бутун жаҳон компьютер тармоқлари мажмуидир, яъни ягона стандарт асосида фаолият қўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғидир.

WWW – World Wide Web – бутун дунё ўргамчак тўри ҳисобланиб, Интернет ресурсларини ташкил этиш ва ундан фойдаланишни таъминлаб беради.

Веб сайт – бирор бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ходисага бағишлиланган маълумотларни ўзида жамлаган Интернет саҳифалар мажмуи

Асосий тушунчалар

- **Интернет провайдер** – Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланишни таъминлаб берувчи юридик шахс.
- **Электрон почта** – Интернет тармоғи орқали тезкор маълумотлар ва хабарлар алмашиш тизими
- **Интернет манзил (URL)** – Интернет тармоғида жойлаштирилган ахборот ресурсларининг мурожаат манзиллари.
- **Proxy** – локал тармоққа уланган компьютерларни битта алоқа канали орқали Интернет хизматидан фойдаланишни ташкил этиш хизмати
- **Веб сервер** – веб саҳифаларни жойлаштириш, бошқариш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда фойдаланувчилар сўровларига ишлов бериш хизмати


Веб броузерлар ва веб саҳифалар

- **Веб броузерлар** – бу Интернет ресурслари ва маълумотларидан фойдаланишни таъминловчи дастурлар бўлиб, уларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- Internet Explorer, Firefox Mozilla, Netscape Navigator, Opera, Google Chrome, Safari
- **Веб саҳифалар** асосан ўзида маълумотларни жамловчи контейнер ҳисобланади:

2.2. Электрон почтадан фойдаланиш ва электрон хабарларни алмашиш маданияти

- **Электрон почта** - бу Интернет тармоғи орқали хабарлар алмашиш хизмати ҳисобланиб асосан иккита компонент иштирокида ташкил этилади:
- **Электрон почта сервери** (SMTP, POP) - хабарларни жўнатиш ва қабул қилишни таъминлаш
- **Электрон почта клиенти** - хабарларни яратиш, ўқиш ва жавоб қайтариш
- **Электрон почта хизмати** қуйидаги имкониятларни тақдим этади:
 - Хабарларни тезкор алмашиш (бир неча дақиқа)
 - Хабарларга қўшимча маълумотларни илова қилиш
 - Хабарларга расм ва мультимедиа маълумотларини жойлаштириш



Электрон почта хизмати ва унинг афзаликлари

- Интернет–халқаро тармоғининг асосини Electronic mail (E-mail) - электрон почта хизмати ташкил қиласди.
- Электрон почта худди одатдаги почтадек бўлиб, фақат бунда хатни қоғозга эмас, балки компьютер клавиатурасидан ҳарф ва сўзларни териб, электрон сигналларнинг маълум тартибдаги кўринишига келтиради.
- Электрон почта маҳсус дастур бўлиб, унинг ёрдамида дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга хат, хужжат, яъни ихтиёрий файлни тезда (бир неча сонияларда) жўнатиш ва қабул қилиб олиш мумкин.
- Бундан ташқари маълум талаблар мавжуд, яъни бунда хат жўнатаётган фойдаланувчи ва қабул қилаётган фойдаланувчи ҳам Интернет тармоғига уланган компьютерга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Хабар ва почта қутиси тушунчалари

- Хабар, умуман олганда, фойдаланувчи почта орқали юбориши керак бўлган маълумот ҳисобланиб ва олдиндан бошқа дастурда тайёрланади, кейин электрон почта орқали жўнатилади

- Почта қутиси – бу фойдаланувчи учун электрон почта хизматини тақдим этувчи компьютерда қайд қилинган номдир
- Ушбу ном компьютер хотирасида папка кўринишида шакллантирилади ва у ўзида киравчи ва чиқувчи хабарларни вақтингачалик сақлайди.
- Электрон почта манзили(info@company.com)

Электрон почта манзили

Электрон почта манзили: почта қутиси номи ва почта сервери манзилидан иборат бўлади

info@bimm.uz

Миллий электрон почта хизматлари

- Ҳозирги кунда миллий почта хизматлари ҳам анча ривожланиб бормоқда.
- Ўзбекистондаги ҳар бир Интернет провайдер ўзининг почта сервери ва хизматига эга бўлиб, асосан ўзининг мижозларига хизмат кўрсатади.
- **inbox.uz** очиқ почта тизими ҳисобланади ва бу тизим орқали ҳоҳловчи фойдаланувчилар хат ва хабарлар жўнатиб қабул қилишлари мумкин.

Халқаро почта хизматлари

- Электрон почта орқали маълумот юбориш учун икки усул кенг тарқалган:
- бепул электрон почта хизмати деб юритилиб, ундан фойдаланиш учун Интернетда маълум бир Web саҳифалари мавжуддир.
- Булар **mail.ru**, **yahoo.com**, **umail.uz**, **gmail.com**

Электрон почтадан фойдаланиш маданияти:

- Почтангизни тез-тез ўқиб туринг
- Хатда албатта сарлавҳа кўрсатиш зарурдир
- Хатингизни олувчини билинг ва хурмат қилинг
- Хатни хатосиз ёзинг
- Хабарни кисқа ёзинг
- Сўровларга тўлиқ жавоб берин

2.3. Интернет домен тизими

Интернет домен номлари Интернет манзилларида ишлатилиб, улар мамлакат номларини, ташкилот ва корхоналар фаолиятини англатади

UZ - <u>Uzbekistan</u>
KG - <u>Kyrgyzstan</u>
KZ - <u>Kazakhstan</u>
RU - <u>Russia</u>
UA - <u>Ukraine</u>
UK - <u>United Kingdom</u>
US <u>United States</u>

COM - Commercial
EDU - US Educational
GOV - Government
INT - International
MIL - US Military
NET - Network
ORG - <u>Non-Profit Organization</u>

www.gov.uz

Ўзбекистон миллий Интернет ресурслари

- **www.uz** – миллий ахборот қидирув тизими
- **umail.uz** – миллий электрон почта хизмати
- **ziyonet.uz** – ахборот таълим тармоғи
- **uforum.uz** – муҳокама веб портали
- **edu.uz** – Ўзбекистон таълим портали
- **ccitt.uz** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги портали
- **mtrk.uz** – миллий телерадиокомпания веб сайти

2.4. Ўзбек адабиёти акс этган миллий ва хорижий ахборот ресурслари

Ўкув жараёнида ўзбек адабиёти бўйича бўйича яратилган сайтлардан фойдаланиш ўқитувчиларга:

- интернет тармоғи ёрдамида у ёки бу ўкув фанлардан тўпланган тажриба ва услубларни бошқа касбдошлари билан алмашиш;
- бир вақтнинг ўзида турли тоифадаги талабалар учун ҳар хил ўқитиш услубларини амалга ошириш орқали ўкув жараёнини индивидуаллаштириш;
- ўкув муассасалари учун яратилган сайтлардаги назорат топшириқларидан машқ сифатида фойдаланиш натижасида талабаларда фан бўйича эгалланган билимларни кўнимка ва малака даражасига етказиш;
- талабаларни мустақил билим олиш жараёнини самарали ташкил этиш каби имкониятларни яратади.

Ўқув муассасалари учун яратилган сайтларнинг таълим соҳасидаги қуйидаги афзалликларини санаб ўтиш мункин:

- фанларни ўзлаштирилишни яхшиланиши;
- тармоқ саводхонлигини ортиши (компьютер ва интернет билан мулоқот қилишдаги янгиликлар);
- ўрганишга бўлган муносабатни яхшиланиши;
- мустақил таълим ва тадқиқотлар малакасини такомиллашиши;
- амалий малака самарадорлигини ошириш.

**Ўзбек адабиёти акс этган миллий ва хорижий ахборот ресурсларга
қўйидагилар киради:**

Миллий ресурслар	Хорижий ресурслар
ziyonet.uz	tyurk.ru
ziyouz. Uz	orientalsstudies.ru
kitob. Uz	Rifma.com
ijod. Uz	Alishernavoiy.ru/index.php
sharqyulduzi. uz	wikipedia.org/wiki
sharh. Uz	arion.ru
e-adabiyot.uz	magazines.ru

Бу ўринда ўзбек адабиёти акс этган айрим хорижий интернет саҳифалари билан танишамиз.

<http://www.tyurk.ru> Мазкур сайтга образли қилиб “Семурғ” номи берилган. Саҳифага Е.Э.Бертельснинг “Навоий ва Аттор” мақоласидан Семурғ ҳақидаги фикр эпиграф қилиб танланган. (*Этот царь - "абсолютный царь". Ему присущи совершенство и красота. Описать словами его нельзя. К нему ведет дальняя дорога через бездонное море. Имя его Симург. Он обронил перо над Китаем, и вся живопись Китая - лишь изображения различных обличков этого пера*) Интернет саҳифа лугат, китобхона, поэзия ва бошқа рубрикалардан иборат. Бу сайт орқали нафақат рус, балки рус тилини биладиган ҳар қандай китобхон XII-XX аср туркӣ поэзияси, унинг специфик хусусиятлари билан танишиши мумкин. Саҳифага Навоий, Лутфий, Бобур, Мунис, Огаҳий ва бошқа мумтоз шоирларнинг ғазал ва рубоийлари, асарларидан намуналар С.Н.Иванов таржимасида, ўзига хос дизайнда жойлаштирилган.

<http://www.rifma.com.ru> Бу интернет саҳифа китобхонни шеършунослик масалалари билан таништиришни мақсад қиласди. Маълумотлар жуда серқирра бўлиб, улар орқали адабиётшунослик терминлари, поэтик терминлар, шеър турларига хос хусусиятлар, тестлар ва адабиётшунослик соҳасидаги янгиликлар ҳақида билиб олиш мумкин. Энг муҳими бу сайт орқали ҳозирги кунда ноёб фондга айланган ва топиш қийин бўлган назарий китобларни кўриш, ўқиш ва ўрганиш мумкин. (Масалан, Б.В.Томашевский, В.М.Жирмунский, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, Ю.М.Лотман ва бошқа олимларнинг илмий асарлари)

<http://www.alishernavoiy.ru/index.php> Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлиланган маҳсус сайт. Мазкур интернет саҳифага шоирнинг рус тилига ўғирилган деярли барча лирик ва эпик асарлари киритилган. Сайт

орқали китобхон нафақат ўқиб ўрганиши, балки Навоий асарларини аудио ва видео лавҳаларда томошо қилиб, эшитиши, ёздириб олиши ҳам мумкин.


<http://ru.wikipedia.org/wiki> Бу қомусий лугат интернет тилида ВИКИПЕДИЯ деб номланади. Мазкур интернет саҳифа китобхонга сўралган нарса ҳақида максимал даражада маълумот етказишга мўлжалланган. Масалан, Бобур ҳақида бу сайт орқали: ҳаёти, ҳарбий юришлари, ижоди, лирикасининг хусусиятлари, шоир асарлари таржималари хусусида жуда кўп маълумот олиш мумкин. Шунингдек, ушбу саҳифа шоир ижоди билан шуғулланган ва шуғулланаётган рус ва чет эл олимларининг илмий ишларидан ҳам хабардор қиласи.

2.5. Интернетда маълумотларни излаш




Интернет тармоғи жуда тез суръатда усиб бормоқда, шунинг учун юз миллиардлаб веб-саҳифалар ва юз миллионлаб файллар орасидан керакли маълумотни топиб олиш қийин муаммо бўлиб қолмоқда. Интернетда маълумотларни излашнинг уч асосий усули мавжуд булиб, булар:

1. Веб саҳифа манзили орқали. Бу усул қидиувнинг энг тезкор усулидир, лекин бу усулдан факат саҳифа ёки файлнинг аниқ манзилини билгандагина фойдаланиш мумкин.



2. Гипермурожаатлар орқали ҳаракатланиш. Бу усул нисбатан қулайроқ излаш усули ҳисобланади, агарки қидирилаётган ҳужжат (ёки маълумот) маъно жиҳатидан жорий саҳифага яқинроқ бўлса.



Физика

Фильтрация:

Барча типлар Барча турлар

Кўйилдаги ресурсларни ким юклаган: (ресурс)

Саралаш: Сана ▾ Кўришлар сони ▾ Юклашлар сони ▾

[Elektrostatika bo'limi](#)
Elektrostatika bo'limi.
Кўшилган сана: 11.10.12 | Кўришлар сони: 0 | Юклашлар сони: 0 | Ҳажми: 712КБ | [Юклаб олиш](#)
Файл тuri: Аналитик материал | Бўлим: Физика

[Mechanika. Kinematika va dinamika asoslari. Kuch, impul's. Ish, energiya va quvat. Saglanish qonunlari. Nisbiylik nazariyasi](#)
Mechanika. Kinematika va dinamika asoslari. Kuch, impul's. Ish, energiya va quvvat. Saqlanish qonunlari. Nisbiylik nazariyasi.
Кўшилган сана: 11.10.12 | Кўришлар сони: 0 | Юcalaшлар сони: 0 | Ҳажми: 103КБ | [Юклаб олиш](#)
Файл тuri: Аналитик материал | Бўлим: Физика

Барча бўлимлар
Табиий-илмий фанлар

Астрономия
География
Геология
Математика
Физика

Физика тарихи
Молекуляр физика ва термодинамика
Оптика
Каттаки жисмлар физикаси
Механика
Умумий саволлар
Кваннт назарийаси, атом ва ядро
Физикаси асослари
Электр ва магнетизм

3. Қидиув тизимларига мурожаат қилиш. Гипермурожаатлар орқали излашда интернет тармоғининг ахборот муҳитида узоқ ва чексиз бир саҳифадан

бошқасига ўтиб “саёхат” қилиб юриш мумкин ва дунё бўйлаб кўп миллионлаб веб саҳифалар борлигини эътиборга олсақ, керакли маълумотни топиш эҳтимоли қанчалик камлиги англаш қийин эмас. Бундай ҳолларда маҳсус қидирув тизимларидан фойдаланилади. Қидирув серверларининг манзиллари интернетда ишлайдиган ҳар бир фойдаланувчига жуда таниш.

Улар: yandex, google, rambler, yahoo, msn ва бошқалар.



Қидирув тизимлари – бу интернетда излаш имкониятини берувчи веб сайт. Аксарият қидирув тизимлари бутун жаҳон тўридан (интернетдан) маълумотларни излайди

Миллий ахборот-қидирув тизими

WWW.UZ – бу барча фойдаланувчилар учун юртимизнинг Интернет тармоғидаги миллий сегменти ахборотларидан қулай тарзда фойдаланиш имкониятини берувчи тизимдир. Миллий ахборот-қидирув тизимини ривожлантириш ишлари ахборот ва компьютер технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш UZINFOCOM Маркази томонидан олиб борилади. Миллий ахборотқидирув тизимининг асосий хусусиятларидан бири унинг кўп тилли ахборот қидируви (русча, ўзбекча) ва бошқа миллий ахборот тизимлари ва маълумот омборлари билан ўзаро ишлай олишидадир.

WWW.UZ Интернет тармоғи фойдаланувчиларига миллий сегментда жойлашган веб-сайтлар бўйича қидирув хизматини тақдим этади ва қидирувни вебсайт манзили ва ички маълумотлари бўйича олиб бориши мумкин. Бу эса фойдаланувчига керакли бўлган ахборотни самарали қидириш ва топиш имкониятини беради.

Бундан ташқари Шу WWW.UZ қидирув тизими Интернет ресурслари (вебсайтлари) каталогини ва веб-сайтлар рейтинги юритади, сайтлар бўйича жамланган статистик маълумотларни тўплайди ҳамда ахборот технологияри соҳасидаги янгиликлар ва мақолаларни ёритиб боради.

Назорат саволлари

6. Интернет деганда нимани тушунасиз?
7. Интернетнинг асосий тушунчаларига нималар киради?
8. Интернет домен нима?
9. Миллий ахборот тизимини тушунтиринг.
10. Ўзбек адабиёти акс этган қандай сайтларни биласиз?

11. Электрон манзилингиз борми? Сиз ундан қайси мақсадларда фойдаланасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Г.Халлиева Интернет поэзияда ўзбек мумтоз адабиётининг ифодаланиши // Таълим технологиялари. -Т.2011, 32-34
3. А.Каримов Ахборот маданиятини шакллантиришда медиатаълимнинг ўрни // <http://trif.uz>
4. Н.Қосимова Интернетда медиатаълим // <http://trif.uz>
5. Ф.Мўминов Медиатаълим самарадорлиги //<http://trif.uz>

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- Амалий машғулот

Ўзбек адабиёти бўйича яратилган электрон ўқув қўлланмалар ва дарсликлар

Ишдан мақсад: Ўзбек адабиёти бўйича электрон ўқув қўлланмалари ва дарсликларни интернет сахифаларидан қидиришни ва улар билан ишлаш малакасини ўрганиш. Дарс машғулотида уларни қўллай олиш техникасини эгаллаш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа. multimediya.uz сайтидан керакли электрон ўқув қўланма ва дарсликни излаб топиш.

2-вазифа [Венн диаграммаси](#) асосида электрон ўқув қўланма ва дарсликнинг фарқли ва ўхшаш томонларини таҳлил қилиш.

Назорат саволлари

1. Электрон дарслик деганда нимани тушунасиз?
2. Электрон ўқув қўлланманинг дарсликдан фарқини ажратиб беринг?
3. Электрон маъруза ва тестларнинг моҳияти?
4. Ўзбек адабиёти бўйича электрон ахборот намуналарини қайси сайtlардан топиш мумкин?
5. Республика таълим маркази интернет сахифасининг моҳиятини очиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Халлиева Интернет поэзияда ўзбек мумтоз адабиётининг ифодаланиши // Таълим технологиялари. -Т.2011,32-34
2. Бегимкулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш. // “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004. – 25-25 бетлар.
3. Н.Қосимова Интернетда медиатаълим // <http://trif.uz>
4. Ф.Мўминов Медиатаълим самараадорлиги //<http://trif.uz>

2- Амалий машғулот

Ўзбек адабиёти бўйича миллий ва хорижий ахборот таълим ресурслари

Ишдан мақсад: Ўзбек адабиёти акс этган миллий ва хорижий интернет сайtlари билан ишлаш малакасини ўрганиш. Дарс машғулотида улардан унумли фойдалана олиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа. Ўзбек адабиётшуносарининг ziyouz.uz, ijod.uz сайтида акс этган мақолалардан бирини таҳлил қилиш.

2-вазифа Sharqyulduzi.uz сайтидаги лирик асарлардан бирини таҳлил қилиш.

Назорат саволлари

1. Ўзбек адабиёти бўйича илмий мақолаларни қайси сайтлардан топиш мумкин.
2. Ўзбек адабиёти намуналари акс этган қандай веб саҳифаларни биласиз?
3. ziyouz.uz, ijod.uz, kitob.uz сайтларининг бир-биридан фарқини тушунтиринг?
4. tyurk.ru саҳифасидаги ўзбек мумтоз намуналарини рус тилига ким таржима қилган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. Т.: Шарқ , 2007.
2. Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. Т.: Шарқ , 2004
3. Р.Ю.Ахатова, Т.А.Худайбергенов «Технология создания электронных учебников». Методические указания для выполнения практических работ. – Алокази, 2015
4. Н.Қосимова Медиасаводхонлик ва медиатаълим: Моҳият <http://trif.uz>

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс. [kitob.uz](#) сайтида берилган “Даҳшат” ҳикоясидаги маймун образи асарда түғри келтирилганми? Агар маймун билан боғлиқ эпизод келтирилмаганда асарнинг сюжет линияси қандай бўлиши мумкин эди?

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Муаммонинг ечими сизнинг назарингизда қай даражада бўлиши мумкин. Фикрингиз?

2-Кейс. Драматик асарларда муаллиф нутқи деярли ишлатилмайди. Бунинг сабаблари нимада ва нима учун. Муаллиф нутқи ўрнида нима қўлланилади.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гурухда).

Муаммо тури	Келиб чиқиши сабаблари	Ҳал этиш йўллари

3-Кейс. Лирик асарларда муаллиф нутқининг етакчилиги, персонажлар нутқининг деярли берилмаслиги сабаблари?

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- Лирик турнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг? Рухият талқини хақидаги фикрларингиз?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalar қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Ўзбек адабиёти акс этган миллий сайтлар
2. Ўзбек адабиёти акс этган хорижий сайтлар
3. Ўзбек адабиёти бўйича таълимий ресурлар
4. Электрон дарсликлар ва уларнинг моҳияти
5. [multimediya.uz](#) сайтидаги электрон ўқув қўлланмалар
6. [ziyouz.uz](#) сайтидаги илмий мақолалар
7. [ijod.uz](#) сайтидаги янги бадиий асарлар

VII. Глоссарий

Анимация – мультимедиали технология; тасвириларниң харакатланаётганлыгын ифодалаш учун тасвириларниң кетма-кет намойиши.

Аудиоиловалар. Товушли файлларни ўқувчи қурилмалар – рақамли товушлар билан ишловчи дастурлар.

Администратор – электрон ахборот-тълим ресурсларини мослаштириш ва бошқариш учун кенг ҳуқуқларга эга бўлган мутахассис.

Анимация – динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга имконият берадиган график ахборотларни ташкил этиш усули.

Аудиоанжуман – тармоқ технологияси тизими ва телефондан фойдаланган ҳолда турли географик нуқталарда жойлашган бир қанча шахсларниң маълумотларни овозли – рақамли кўринишда алманиши жараёни.

Ахборот – (лат. **Informatio** – тушунтириш, баён қилиш) – шартли белгилар ёрдамида шахслар, предметлар, далиллар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида, уларни тасвирилаш шаклидан қатъий назар узатиладиган ва сақланадиган маълумотлар.

Броузер – интернет билан ишлашни таъминлайдиган дастур.

Веб учун иловалар – бу алоҳида веб-саҳифалар, унинг таркибий қисмлари (меню, навигация в.б.), маълумот узатиш учун иловалар, кўп каналли иловалар, чатлар ва бошқалар.

Вебкамера - компьютерлараро видеотасвириларни узатувчи қурилмадир.

Видеоанжуман – турли географик манзиллардаги фойдаланувчи гурухлари орасида рақамли видеоёзув ёки оқимли видео кўринишида маълумотларни алманиши асосида йиғилиш ва мунозаралар ўтказиш жараёни.

Видеоиловалар – ҳаракатланувчи тасвирилар ишлаб чиқиши технологияси ва намойиши.

Виртуал аудитория – ўқув жараёнининг ўқитувчиси ва бошқарувчисининг маслаҳатини олиш учун тармоқ технологияси ёрдамида турли географик жойларда яшаётган талабаларни бирлаштириш.

Виртуал лаборатория – ўрганилаётган ҳақиқий объектларда бўлаётган жараёнларни компьютер имитацияси орқали тақдим этиш ва масофавий кириш имкониятига эга бўлган дастурий мажмуя.

Виртуал (воқеълик)ҳақиқийлик – ўрганишга мўлжалланган мураккаб жараёнларда бўладиган ҳодисаларни аудиовидео тизими орқали ўқувчи тассавуридаги мавхум кўриниши.

Гиперматн – ассоциатив боғланган блоклар кўринишида тақдим этилган (бошқаматни хужжатларга йўл кўрсатувчи) матн.

Гиперматнли тизим – электрон хужжатлар кутубхонасини яратишни таъминлайдиган восита.

Гипермедиа – матндан ташқари мультимедиа имкониятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган маълумотларга йўл кўрсатувчи хужжатлар.

Гипермурожаат – тагига чизилган ёки қандайдир бошқа усулда ажратиб кўрсатилган сўз ёки жумла бўлиб, гиперматнли тизимнинг бошқа блок, хужжат, гипермуҳит саҳифаси, гиперматнини кўрсатиш имкониятини беради.

Гипермуҳит – бир-бири билан ассоциатив боғланган нисбатан катта бўлмаган блоклар кўринишидаги ахборотнинг ихтиёрий кўринишини тақдим этган технология.

Глобал тармоқ – минтақавий (қитъалардаги) компьютерларни ўзида бирлаштириш имконига эга бўлган тармоқ.

График мухаррир – тасвирларни таҳир қилишни таъминлайдиган амалий дастур.

Дидактик воситалар – ўкув фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширувчи педагогик воситалар.

Дидактик материал – фойдаланилганда ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, ўкув вақтини иқтисод қилишни таъминлайдиган ўкув машғулоти учун мўлжалланган қўлланмаларнинг маҳсус кўриниши.

Дидактик тамоиллар – натижавийликни таъминлайдиган таълим жараёнига қўйилган энг умумий талаблар тизими.

Дизайн – ўкув материални ифодалаш (тавсифлаш, намойиш) усули.

Дифференциаллашган таълим - ўқувчиларнинг мойиллиги, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ўкув фаолиятни ташкил этиш шакли.

Жараён - қўйилган мақсадга эришиш учун йўналтирилган амаллар ийғиндиси.

Индивидуал (яккама-якка тартиба) масофавий ўқитиши - телекоммуникация ва таълимни таъминлаш учун зарур дастурий воситаларига эга бўлган масофавий ўқитиши.

Интерактив ўзаро алоқа – электрон почта, эълонлар электрон доскаси, онлайн мавзули муҳокамалар, чат, аудиоанжуман, видеоанжуман, маълумотлар ва файллар билан алмашиниш, умумий тармоқ иловаси ва бошқаларни ўз ичига олган компьютер билан ўзаро алоқа қилиш, «инсон-машина» мулоқоти.

Интерактив ўкув курслари – ўзаро мулоқот асосига қурилган воситалардан фойдаланиб тузилган курслар.

Интернет – ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғи. **интернет орқали ўқитиши** – ўкув-ахборот манбалари ва интернет компьютер тармоғи орқали ўзаро бир-бирлари билан боғланган реал вақтдаги ўқитиши.

Интернетга уланиш – интернет каналлари орқали ахборот ресурсларидан фойдаланиш (очиш, кўриб чиқиш, нусхалаш, узатиш ва бошқалар) имкониятига эга бўлган компьютернинг ишлаш тартиби. **интернет-дарслик** – маълум фан бўйича ягона интерфейс билан таъминланган, интернетга жойлаштирилган, доимий равища ривожланадиган ўкув-методик мажмуа.

Интернетнинг ахборотли қисми – интернет тармоғида мавжуд бўлган турли электрон хужжат, график, расм, аудио, видео ва бошқа кўринишидаги ахборотлар мажмуи.

Интернетнинг дастурий таъминоти – тармоққа уланган компьютерлар ва тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида ишлаши, алоқа каналлари ёрдамида маълумотларни қидириш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда тармоқда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларини амалга оширувчи дастурлар мажмуи.

Интернетнинг техник таъминоти – турли русумдаги компьютерлар, алоқа каналлари, тармоқ техник воситалари мажмуи.

Интранет – интернетнинг кўпгина функционал имкониятларига эга бўлган ташкилот ёки таълим муассасасининг ички тармоғи. Интранет интернетга уланган бўлиши ҳам мумкин. **Компьютер дарслик** – ўқув фани ёки унинг бўлимини мустақил ўзлаштириш имкониятини таъминлайдиган дастурий-методик мажмуа. Компьютер дарслиги ўзида оддий дарслик, маълумотнома, масалалар ва мисоллар тўплами, лаборатория амалиётларининг хусусиятларини бирлаштиради.

Карнай- овоз (мусиқа, овоз ва бошқалар)ни чиқариб берадиган курилма.

Кейс-технология – масофавий ўқитишини ташкил қилишнинг шундай услугики, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кейс) ўқув услугубий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади.

Контент – курснинг барча ўқув материаллари, қўлланмалари, хужжатлари, вазифалари, тестлар ва назорат метериалларини қамраб оловчи курс мазмуни.

Курс якунида ўтказиладиган тест – билимларни ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш мақсадида курс ўрганилиб бўлгандан кейин ўтказиладиган тест синови.

Курсни индивидуаллаштириш – ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини тайёрлаш жараёни.

Курсни ўрганиш йўли (траекторияси) – курснинг ўқувчини тайёргарлик даражасига боғлиқ равишда аниқланадиган ва ўқув жараёнига тадбиқ қилинадиган модуллари тузилиши ва тартиби.

Модем- модуляция, демодуляция сўзларидан олинган бўлиб, узлуксиз сигналларни рақамли (модуляция) ва рақамли маълумотларни узлуксиз (демодулясия) сигналга алмаштириб берадиган курилмадир.

Масофавий таълим (МТ) – таълимни масофавий ўқитиши усул ва воситалари орқали ташкил қилиш шакли.

Масофавий таълим маркази – таълим жараёнининг бошқарув, ўқув-методик, ахборот ва техник таъминотини амалга оширадиган алоҳида бўлим ёки ваколатхона.

Масофавий таълим муассасаси – масофавий технологиялар асосида ўқув жараёнини амалга оширадиган таълим муассасаси.

Масофавий таълим тизими (МТТ) – масофавий технологияларни қўллаб масофавий таълимни ташкил этиш ва амалга оширишга жалб қилинган ўқув-тарбиявий, ташкилий, телекоммуникация, педагогик ва илмий манбалар мажмуаси.

Масофавий ўқитиши – ахборот - коммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъёрий хужжатлар асосида ташкиллаштирилган таълим шакли.

Масофавий ўқитишининг ахборот-таълим муҳити – маълумот, ахборот ресурслари, ўзаро алоқа баённомалари, дастурий ва ташкилий-методик таъминотларни узатиш мажмуи бўлиб, фойдаланувчиларни таълим эҳтиёжларини қаноатлантиришга мўлжалланган.

Масофавий ўқитишининг дастурий таъминоти – масофавий ўқитиши таъминловчи дастурий воситалар ва платформалар.

Масофавий ўқитишининг техник воситалари – масофавий ўқитишининг ахборот-таълим муҳитида ўқув материалларни тақдим этиш учун фойдаланиладиган техник таъминоти.

Масофавий ўқитишининг ўқув-методик таъминоти – масофавий ўқитиши дидактик ва психолигик талаблари асосида шакллантирилган ахборот-таълим ресурслари, уларни бошқариш тизими, масофавий ўқитиши методлари, тестлар ва тавсиялар мажмуи.

Маълумотлар базаси – реал объект ва унинг қисмлари ҳақидаги тизимлашган маълумотлар тўплами.

Маълумотлар банки – маълумотларни йиғиши, сақлаш, излаш ва қайта ишлашни таъминлайдиган ахборот, техник, дастурий ва ташкилий воситалар мажмуи.

Методик таъминот – курсни ўрганишга қаратилган турли ахборот ташувчилардаги ўқув материаллар, методик тавсиялар ва маслаҳатлар.

Микрофон - турли хил овозли анимация ва презентациялар тайёрлаш учун ишлатилади.

Мулоқот воситалари – телекоммуникация (интернет) орқали мулоқотни таъминлаш воситалари.

Мультимедиа – ахборотни (матн, расм, анимация, аудио, видео) ифодалашнинг кўп имкониятли тақдим этилиши.

Мультимедиа (multi – ко`р, media – muhit) - бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишга эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва х.к) турли хил ташувчиларда (оптик диск, флеш хотира ва х.к.) мавжуд бўлган ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир.

Мультимедиа воситалари - бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман муҳитларни: товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

Мультимедиа компьютер- бу мультимедиа технологиясини амалга ошириш учун маҳсус аппарат ва дастурий воситалар билан таъминланган шахсий компьютердир.

Мультимедиа қурилмалари- бу шахсий компьютернинг бевосита товуш, графика ва видеоахборотлар билан ишлайдиган қурилмалардир.

Мультимедиа маҳсулоти – таркибида мусиқа тараладиган, видеоклиплар, анимация, расмлар ва слайдлар галереяси, турли маълумотлар базалари ва бошқалар кириши мумкин бўлган интерфаол, компьютерда ишланган маҳсулотdir .

Мультимедиа-галереялар – товуш жўрлигидаги ҳаракатланувчи суратлар тўплами.

Мультимедиали дарсликлар – мультимедиа технологияси ёрдамида ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи дарслик.

Мультимедиали технология- бир вақтнинг ўзида маълумот тақдим этишнинг бир неча усусларидан фойдаланишга имкон беради: матн, графика, анимация, видеотасвир, товуш в.х.

On-line машғулот – барча қатнашувчи (талабалар ва ўқитувчи)лар интернет орқали ахборот алмашиниш йўли билан ўзаро алоқа қиладиган ўқув машғулоти кўриниши.**On-line муҳокама** – электрон доскаларда бирор мавзуни айни вақтдаги муҳокамаси.**On-line ўқиши** – интернет технологияларига асосланган таълим муҳитидан фойдаланиб ўқув материалларини ўрганиш жараёнини ташкил этиш усули.

ОООК- Оммавий очиқ онлай курслар

Оралиқ тест синови – таълим жараёнода билимларни назорат қилиш шакли.

Педагогик ахборот технологиялари – компьютер, тармоқ технологияси ва дидактик воситаларни фойдаланишга асосланган технологиялар.

Провайдер (provider) - компьютерларнинг тармоққа уланиш ва ахборот алмашишини ташкил қиладиган ташкилот.

Сайт - графика ва мултимедия элементлари жойлаштирилган гипермедиа хужжатлари кўринишидаги мантиқан бутун ахборот.

Сервер – ахборот-таълим ресурсларини тармоқда жойлаштириш ва уни тарқатиш учун мўлжалланган компьютер қурилмалари мажмуи.

Сервер (server) - маълумотларни ўзида сақловчи, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи, тармоқдаги принтер, ташқи хотира, маълумотлар омбори каби ресурслардан фойдаланишни бошқарувчи компьютер.

Сунъий интеллект (artifical intelligence) - инсон интеллектининг баъзи хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар мажмауси.

Тақдимот/презентациялар (инг. presentation) – аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли.

Таълим жараёнини масофавий ўқитиши технологияси – замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёнини масофадан туриб таъминлайдиган ўқитиши усули ва воситалари ҳамда ўқув жараёнларини бошқариш мажмуи.

Таълим мақсади – тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, фаоллик ва мустақилликни ривожлантириш, бутун дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш.

Таълимнинг компьютер технологияси - компьютер техникаси, коммуникация воситалари, шунингдек, ахборотларни ифодалаш, узатиш ва йиғиш, билиш фаолиятини назорат қилиш ва бошқаришни ташкил этиш бўйича ўқитувчининг вазифаларини моделлаштирувчи интерактив дастурий маҳсулотлар асосида педагогик шаротини яратишинг метод, шакл ва воситалари мажмуюи.

Телеанжуман – турли географик жойллаштирилган икки ва кўпроқ фойдаланувчилар гурӯхларини ўқитиш мақсадида тв-технологиялари орқали ахборотлар алмашиниш шакли.

Тизим (system) - ягона мақсад йўлида бир вақтнинг ўзида ҳам яхлит, ҳам ўзаро боғланган тарзда фаолият кўрсатадиган бир неча турдаги элементлар мажмуаси.

Тьютор - аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг алоҳида турларини ўтказиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига раҳбарлик қиласидиган, ўқувчилар томонидан ўқув режасини бажарганликлари ҳамда ўқув материалини ўзлаштирганликларини назорат қилувчи ўқитувчи – маслаҳатчи.

Ўқитишинг виртуал мухити - таълим жараёнининг барча иштирокчилари орасида интерактив алоқани таъминлайдиган маҳсус ўзаро алоқадор ва доимий янгиланиб туриладиган ўқитиш воситаларининг мажмуасини ташкил этувчи очиқ тизим.

Ўқув материалларни сақлаш технологиялари – ўқув материалларини ахборот ташувчиларда: чоп этилган маҳсулот, аудио ва видеокасеталар, дискеталар, дисклар, ftp ва www- серверларда сақлаш восита ва методлари мажмуи.

Фойдаланувчи интерфейси – фойдаланувчини тизим ёки тармоқ билан ўзаро таъсирини аниқлайдиган шакл.

Фойдаланувчиларни қайд этиш – ахборот-таълим ресурсларига кириш хуқуқини олиш учун фойдаланувчи ҳақидаги маълумотларни киритиш жараёни.

Форум – сайт орқали мулоқот қилиш шакли. Форумдаги ахборотларнинг ҳар бири муаллифи, мавзуи ва ўзининг мазмунига эгадир.

Чат – ахборот алмашиш реал вақтда олиб бориладиган интернетдаги мулоқот.

Эксперт тизимлар - хulosса чиқариш қоида ва механизmlари ийғиндисига эга бўлган билимлар омборини ўз ичига олган сунъий интеллект тизими.

Электрон алоқа - ахборот тармоқлари орқали фойдаланувчиларга хатларни етказиши таъминлашнинг мухим тармоқли кўриниши.

Электрон алоқа – компьютер тармоқлари орқали фойдаланувчиларга маълумотларни етказиб бериш.

Электрон алоқа (electronic mail) - компьютер тармоғида маълумотларни сақлаш ва уларни фойдаланувчилар орасида ўзаро алмашишини таъминлайдиган тизим. Internetда телефон тармоғи орқали

фойдаланувчилар орасида маълумот алмасиш имконини беради, маълумот матн ёки файл кўринишида бўлиши мумкин.

Электрон дарслик – компьютер технологияларига асосланган ўқитиш методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси.

Электрон жадвал - номланган сатр ва устун кўринишидаги тартибланган ва турли типдаги ахборотларни қайта ишлайдиган дастур.

Электрон кутубхона – электрон ахборот-таълим ресурслари мажмуаси.

Электрон почта – компьютер тармоқлари асосида фойдаланувчилар ўртасида электрон шаклдаги матн, тасвир, овоз, видео ва бошқа ахборотларни узатувчи ва қабул қилувчи восита.

Электрон ўқув кўлланма - бу давлат таълим стандартининг мутахассислик ва йуналишлар бўйича фанларнинг алоҳида муҳимроқ бўлимлари бўйича тайёрланган электрон нашрлар, намунавий ва ишчи режалар, шунингдек, машқлар ва масалалар тўпламлари, харита ва схемалар альбомлари, тузилма атласлари, фанлар бўйича хрестоматиялар, диплом лойиҳаси бўйича кўрсатмалар, маълумотномалар акс этган электрон манбадир.

Электрон университетлар – бу Интернетдан фойдаланган ҳолда таълимнинг янги технология ва шакли.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Норматов У. Ижод сехри. Т.: Шарқ 2004.
4. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. Т.: Шарқ , 2007.
5. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т.: Шарқ , 2004.
6. Г.Халлиева Интернет поэзияда ўзбек мумтоз адабиётининг ифодаланиши // Таълим технологиялари. -Т.2011,32-34
7. Г.Халлиева Новые информационные технологии и перспективы развития российского востоковедения// Вестник. Нукус. 2008.-С26-28
8. Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М.: Дрофа, 2007. – 224 с.
9. Галина М. Поэзия онлайн // Знамя. 2007. №2.- С.224-238
10. Елина Е.Г. «Народная» поэзия на страницах Интернета // Литература и человек. Тверь, 2007. 85-91.
11. Бегимқулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш. // “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004. –25-25 бетлар.
12. Бегимқулов У.Ш. Малака ошириш тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. //” Халқ таълими” жур. № 6, 2004. - 132-137 бетлар.
13. Бегимқулов У.Ш. Малака ошириш тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. //” Халқ таълими” жур. № 6, 2004. -132-137 бетлар

Интернет сайтлари

1. <https://ziyouz.uz>
2. <https://ziyonet.uz>
3. <http://kitob.uz>
4. <http://e-adabiyot.uz>
5. <http://sharh.uz>
6. <http://sharqyulduzi.uz>
7. <http://tyurk.uz>
8. <http://orientalstudies.ru>
9. <http://filoloji.adu.uz>
10. <http://pedagog.uz>
11. <http://nuu.uz>
12. <http://bimm.uz>
13. <http://tt-jurnal.zn.uz>
14. <http://arion.ru>
15. <http://magazines.ru>
16. <http://multimedia.uz>